

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАРМОНОВА ШАБОН МУХАМАДОВНА**

**ЛОЙИҲАВИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК**  
**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ МАДАНИЯТИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации докторской философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Фармонова Шабон Мухамадовна**

Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш.....3

**Фармонова Шабон Мухамадовна**

Развитие коммуникативной культуры будущих педагогов посредством проектного обучения.....23

**Farmonova Shabon Muxamadovna**

Development of the communicative culture of future teachers through project-based training .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАРМОНОВА ШАБОН МУХАМАДОВНА**

**ЛОЙИҲАВИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК**  
**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ МАДАНИЯТИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped575 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.terdu.uz](http://www.terdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот тизим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Адизов Бахтиёр Раҳмонович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шодиев Ризамат Давронович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Рўзиева Дилноз Исомжоновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «9» 08 соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: +99876221-74-55; факс: +99876221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: +99876221 221-74-55).

Диссертация автореферати 2021 йил «29» 07 куни тарқатилди.  
(2021 йил «29» 09 даги 5 -рақамли реестр баённомаси).

**И.Т.Чориев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.К.Бозорова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Х.Ж.Худойкулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари таълимида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш муаммоси ечими сифатида уларнинг инновацион, креатив фаоллигига алоҳида эътибор қаратиш; халқаро ташкилотларнинг «Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият тури» деган эътирофи асосида катта ёшдаги аҳоли компетентлигини баҳолаш халқаро дастури(PIAAC)дан фойдаланиш ҳамда касбий маҳоратни шахс сифатлари билан уйғунлаштириш, инновацион ёндашувни таълим жараёнларига изчил жорий этиш, таълим жараёнларини моделлаштириш истиқболли йўналишларини аниқлаш бўйича тизимли ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Дунё олий таълим муассасаларида лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш, уларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш, ижтимоий-маданий ва коммуникатив фаолиятни самарали ташкил этишга доир илмий изланишларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг асосий омили сифатида талабаларда ахлоқий-эстетик дунёқараш ва сиёсий ижтимоийлашувни қарор топтиришга, уларнинг ахлоқий, касбий ва коммуникатив тайёргарлиги маънавий-маданий асослари, креатив фикрлашини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасини сифат жиҳатдан жадал ривожлантириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш механизмини такомиллаштириш, соҳа ўзгаришлари асосида бўлажак ўқитувчиларни маънавий-касбий тарбиялаш тизими компонентлари ва таянч компетенциялари мазмунини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. «Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш, таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш, болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур»<sup>1</sup>. Шу маънода лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш йўналишдаги тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижлик олимлардан А.Амири, Л.Хоффман, Ҳ.Авила, Л.Ларсен, А.Бандура, Л.Ботчевалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган<sup>2</sup>.

Рус олимларидан В.Звоновский, М.Костюченко, Л.Лузина, Н. Мартишина, Л. Митина, А.Мороз томонидан каби жиҳатлари ўрганилган<sup>3</sup>.

Республикамизда А.Бегматов, А.Маврулов, Г.Туленова, Ж.Туленов, М.Каҳҳарова, Э.Юсупов сингари олимлар лойиҳавий таълим воситасида

---

<sup>2</sup> Creative Teaching: Using Creative Teaching Methods in a Student-centered ESL Environment. Ivy Johnson. ivy.m.johnson@gmail.com; Bandura A. (Ed.). Self-efficacy in changing societies.–New York: Cambridge University Press, 1995.; John H. Holland Redwood City, California.–Addison-Wesley, 1998; Botcheva, L., Shih, J., Huffman, .C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C.Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. – P.176-188.; A professional development program for the mother tonguebased teacher: addressing teacher knowledge and attitudes about mtbmle A Dissertation Presented by Rebecca Paulson Stone [https://scholarworks.umass.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1593&context=open\\_access\\_dissertations](https://scholarworks.umass.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1593&context=open_access_dissertations).; Avila, H. A. (2015). Creativity in the English class: Activities to promote EFL learning. *HOW*, 22(2), 91-103. This article is licensed under a Creative Commons Attribution-NonCommercial-NoDerivatives 4.0 International License. License Deed can be consulted at <http://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/4.0/>.; Mario Barajas, Frédérique Frossard (University of Barcelona). Docent – digital creativity enhanced in teacher education.Framework of digital creative teaching competences. This project has been funded with support from the European Commission.; Larsen, Lars Jacob Ege, "Teacher and student perspectives on a blended learning intensive English program writing course" (2012). *Graduate Theses and Dissertations*. 12375. <https://lib.dr.iastate.edu/etd/12375>; UNIVERSITAT ROVIRA IVIRGILI THEACHER TRAINING IN ICT-BASED LEARNING SETTINGS. DESING AND IMPLEMENTATION OF AN ON-LINE INSTRUCTIONAL MODEL FOR ENGLISH LANGUAGE TEACHERS. DOCTORAL THESIS. Maria del Mar Camacho i Martí. ISBN: 978-84-690-7634 / DL: T.1394-2007; Peter Edelenbos, Richard Johnstone.The main pedagogical principles underlying the teaching of languages to very young learners Languages for the children of Europe. Published Research, Good Practice & Main Principles; Amiri F.IT-literacy for language teachers: should it include computer programming System, Volume 28, Issue 1, 2015, -P. 77-84.;

<sup>3</sup> Звоновский В. Б., Меркулова Д. Ю. Формы социальной активности в новых территориальных сообществах мониторинг общественного мнения // Педагогика. №1 (125). 2015. – С. 82-89; Костюченко М. О. Развитие социальной активности студентовв воспитательном процессе вуза (на примере волонтерской деятельности). Автореф. дис. ... канд. пед. Наук. – Воронеж, 2017. – 22 с.; Лузина Л. М. Философско-антропологический подход в современной методологии воспитания. Дис. ... докт. пед. наук в виде научного доклада. – СПб., 2018. – 46 с.; Мартишина Н. В. Ценностный компонент творческого потенциала личности педагогика // Педагогика. – М., 2006. – № 3. – С. 48-57.; Митина Л. М. Учитель как личность и профессионал (психологические проблемы). – М.: Дело, 2018. – 215 с.; Мороз А. Г. Профессиональная адаптация выпускника педагогического вуза. Автореф. дис. ... докт. пед. наук. – Киев, 2017. – 50 с.

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалаларни ўз изланишларида тадқиқ қилинган. Олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий фаолликни ривожлантириш муаммоси юзасидан Р.Жўраев, Р.Ахлиддинов, У.Иноятгов, Н.А.Муслимов, М.Уразова, О.Мусурмоновалар<sup>4</sup> томонидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришда лойиҳавий таълим технологияси монографик тарзда текширилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “ОТ-Ф8-214. Талабаларни касбий ва шахсий ижтимоий-лаштириш”(2011-2018йй.) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш бўйича назарий-амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарихий-маданий, миллий асосларнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг педагогик – психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш жараёнини ташхислаш ва педагогик маҳорат фани мазмунига сингдиришнинг психологик-педагогик шароитларни аниқлаш;

лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг интегратив моделини ишлаб чиқиш;

лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг муаммоли таълим технологияларини такомиллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Урганч, Қарши, Бухоро

---

<sup>4</sup> Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтех училищ. –Т.: Фан, 1992. –259 с.; Ахлиддинов Р.Ш. Социально-педагогические основы управления качеством общего среднего образования (на матер.Национальной программы по подготовке кадров): Дисс. ... докт. пед. наук. – Т.: 2002. – 44 с.; Иноятгов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже: дисс. докт. пед. наук. - Ташкент, 2003. - 327 с; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фанл. докт. ... дисс. – Т.: 2007. – 357 б.; Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. Пед.фанл.докт....дисс. автореф. –Т., 2015. –Б 10-21.; Мусурмонова О. Маънавий баркамол шахсни шакллантириш–жамият тараққиёти асоси. -Тошкент, “Фан ва технологиялар”. 2012. –188 б.

давлат университетлари ҳамда Навоий давлат педагогика институтининг жами: 480 нафар талабалари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш шакл, метод ва воситалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил этиш, социометрик: анкета, интервью, суҳбат, педагогик тажриба-синов, математик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш когнитив, ҳиссий, дунёқараш, хулқ-атворга доир психологик-педагогик хусусиятлар билан инсонпарварлик, фуқаролик, компетентлик шахсий ижтимоий тажриба алоқадорлиги эмпирик баҳолаш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг ҳиссий-иродавий, мазмунли-операцион, мотивацион босқичлари лойиҳавий таълим воситасида ахлоқий билим, шахсий-ижтимоий тажриба, мустақиллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик мезонларини амалий-касбий фаолият тузилмаси билан ички даражалашини асослаш орқали аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш мазмуни ва шакли интерфаол ёндашув асосида креатив, фаоллик, рефлексив, эмпатик ҳамда касбий компетенцияни босқичма-босқич шакллантиришнинг методик жиҳатдан яхлит тизими ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш асосида лойиҳавий технологиянинг «Идеал ўқитувчи намунаси», «Келажак мактаби ўқитувчиси» ижтимоий лойиҳаларини таълим жараёнларида қўллаш орқали ролли, ишбилармонлик ўйинлари, мустақил фаолиятни ташкил этишнинг контекстли-ўйинли вазият усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини аниқлаштириш асосида шахсий ва касбий сифатларни баҳолаш механизми эмпирик тадқиқ қилинган;

лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришга доир ахборот-коммуникацион, этнопедагогик ва ижтимоий-маданий компетентлиликни такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари такомиллаштирилган ҳамда бошланғич таълим, спорт-тарбиявий иш йўналиши ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этилган;

бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини такомиллаштиришнинг шакл, восита ва методларини қўллашда янгича ёндашув асосидаги лойиҳавий таълим стратегияси таклиф этилган ҳамда самарадорлик даражаси белгиланган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактлар хорижий педагог-олимларнинг назарий ғояларига асосланганлиги, қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил этиш, социометрик: анкета, интервью, суҳбат, педагогик тажриба-синов, математик ва статистик таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика фани лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришга оид янги назарий ёндашув, ғоя, тавсиялар билан бойитилган, диагностик мезон ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган ҳамда бўлажак ўқитувчиларда ташаббускорликни ривожлантириш изчиллиги ва узлуксизлиги таклиф этилган мезонларга мослигининг таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган методик ва дидактик таъминотдан «Педагогик маҳорат» фанининг мазмуни доирасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш когнитив, ҳиссий, дунёқараш, хулқ-атворга доир психологик-педагогик хусусиятлар асосида шахсий ва касбий сифатларни баҳолашга доир таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 281-сон буйруғининг 1-илоvasи билан тасдиқланган «Талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини ва ғоявий бардошлилигини мустақкамлаш бўйича услубий тавсиялар»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги 89-03-3876-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш бўйича касбий фаолиятни ташкил этишнинг амалий аҳамиятлилик даражасини оширишга эришилган;

бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг ҳиссий-иродавий, мазмунли-операцион, мотивацион босқичлари лойиҳавий таълим воситасида ахлоқий билим, шахсий-ижтимоий тажриба, мустақиллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик мезонларини амалий-касбий фаолият тузилмаси билан ички даражалашини асослашга доир таклифлардан «Педагогик маҳорат» фанидан ўқув қўлланма тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги 89-03-3876-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш ҳамда «Педагогик маҳорат» фанини ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш мантикий фикрлаши, касбий тафаккури ва мотивациясини оширишга йўналтирилган таклифлардан «Педагогик маҳорат» фанидан ўқув қўлланма яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 мартдаги 89-03-1128-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш амалиётга жорий этилишига методик асос бўлиб хизмат қилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш асосида лойиҳавий технологиянинг «Идеал ўқитувчи намунаси», «Келажак мактаби ўқитувчиси» ижтимоий лойиҳаларини таълим жараёнларида қўллаш орқали ролли, ишбилармонлик ўйинлари, мустақил фаолиятни ташкил этишнинг контекстли-ўйинли вазият усуллари 5111700-бошланғич таълим, спорт-тарбиявий иш йўналиши ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги 89-03-3876-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳавий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданияти такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 12 та мақола, шундан 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертацион тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган; диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан алоқадорлиги очиб берилган; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилиги баён этилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари**» деб номланади. Мазкур боб 3

параграфдан иборат. Бунда лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати, лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш даражасининг амалий ҳолати, лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришни такомиллаштириш йўллари тадқиқ этилган.

Лойиҳавий таълим педагогика фанида қарийб 300 йилдан ортиқ давр мобайнида қўлланиб келмоқда. Немис педагоги М. Кноллнинг тадқиқотига кўра, «лойиҳа» тушунчасининг пайдо бўлиши XVI асрга тааллуқли бўлиб, италиялик меъморларнинг меъморликни фан деб эълон қилиб, уни ўқув фанлари даражасига чиқарган ҳолда ўз фаолиятларини касбга айлантиришга уринишлари билан боғлиқ.

XVIII аср охирида муҳандислик касби пайдо бўлиши натижасида ўқув лойиҳаси дастлаб Францияда, сўнг Германия, Австрия, Швейцарияда, XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги техника ва саноат олий мактабларида қўлланила бошланган.

«Лойиҳа» атамаси ижтимоий фанлар соҳасига техника соҳасидан ўтган бўлиб, «**Лойиҳа** (лотинча «projectus») аниқ қоидаларга мувофиқ у ёки бу соҳа ҳолатини қайта қуришнинг асосий ғояси»ни англатади.

Таълим маъносидаги лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

XX асрнинг кейинги 30 йили давомида машҳур дидактшунослар М.Н.Скаткин, В.В.Краевский раҳбарлигида маълумот мазмунига педагогик ишлов бериш ва дидактик лойиҳаларни тайёрлаш назарияси ҳамда амалиётида янги йўналиш асосланган эди. Унда ижтимоий тажриба моҳияти таҳлилга тортилиб дидактик лойиҳаларни яратиш ғояси ишлаб чиқилди.

С.И.Висотская, И.К.Журавлев, И.Я.Зорина, И.Я.Лернер, Ф.Б.Сушкова, В.С.Цетлин, В.С.Шубинскийларнинг илмий тадқиқотларида кўникма, малака, ижодий фаолият тажрибаси ва муносабатлар дидактик лойиҳаларнинг таркибий қисмлари шаклида қараш ва таҳлил қилиш ғояси қарор топди.

Ҳозирги тараққиёт босқичида жамият ҳаётида юз берган янгиликларни, кишиларнинг онги, турмуш тарзи, ўзаро муносабатларида шаклланиб келаётган ўзгаришларни, фаннинг кейинги ютуқларини маълумот ва таълим мазмунига оид лойиҳаларда акс эттиришга киришилди. Бунда икки хил ёндашув мавжуд: биринчидан, таълим жараёнининг янги, педагогик амалиётда ҳали учрамаган лойиҳалаш воситаларини излаб топиш; иккинчидан, оригинал лойиҳалар асосида ўқув-тарбия жараёнининг сифатини оширишни қайд этиш.

Диссертациянинг «**Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати**» деб номланган параграфидида бўлажак ўқитувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришда уларнинг қай тарзда

педагогик касбини танлаганликларини аниқлаган ҳолда касбий билимлар чуқур эгаллашга оид ижтимоий майлларни шакллантириш муҳим педагогик аҳамиятга эгаллиги қайд қилинган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагог касбини танлашларида ижтимоий-шахсий мойилликларини белгиловчи асосий мезонлар қуйидагилардан иборат:

- ҳиссий муносабат;
- қизиқиш ва эҳтиёжлар;
- ўз касбининг ижтимоий моҳиятини англаб етганлиги;
- педагогик тайёргарлигининг сифати ва унинг истиқболини кўра олиши;
- педагог касбига мойиллигини ижтимоий талаблар билан мувофиқлаштира олиши;
- педагогик амалиёт ва ўқув-тарбия жараёнида ўз фаолияти натижаларини баҳолай олиши;
- бўлажак ўқитувчилар педагогик касбини танлашда манфаатдорлигини англаши кабилар.

Ўрганилган адабиётлар ҳамда муаммо доирасида изланиш олиб борган тадқиқотчиларнинг фикрларига таяниб, биз ҳам муаллифлик ёндашув асосида лойиҳавий таълимга қуйидагича ёндашдик: “Лойиҳавий таълим–таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижалари кафолатланган, бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат”.

**«Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш даражасининг амалий ҳолати»** номли параграфида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда ижтимоий-педагогик майлларини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш мақсадида қулай воситалар ва шарт-шароитларни танлаш лозим. Шу билан бир қаторда талабаларнинг интилишлари, истакларини қондириш имкониятлари уларни тарбиялаш ва ривожлантиришда ҳаракатлантирувчи куч эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Тадқиқотда бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш илмий-назарий жиҳатдан қуйидаги йўналишда асосланди:

*биринчи йўналиш* – лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришни таъминловчи омил сифатида баҳолаш;

*иккинчи йўналиш* – лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришни замон талаблари асосида такомиллаштириш;

*учинчи йўналиш* – лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришда инновацион методлар орқали таълим сифатини оширишни таъминлаш.

Ишнинг «**Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришни такомиллаштириш йўллари**» номли параграфида талабаларнинг келгуси педагогик фаолиятга тайёргарлигини қандай йўналишда ташкил этиш масаласига эътибор қаратилган. Жумладан, таълимий фаолиятни белгилаш учун педагогларга хос унумли ва лойиҳалаш асосида ишлашнинг анча тараққий этган шакллари ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим. Биз бу фаолиятнинг қай даражада самарадорлигини таққослаш, таҳлил қилиш орқали аниқлашга ҳаракат қилдик. Бизнинг фикримизча, янгича лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур: биринчидан, лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар контингентининг янгича ва самарали ишлаш сирларини ўрганиб чиқиш.

Иккинчидан, лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаш, лойиҳалаш асосида ишлашнинг янада самаралироқ йўллари излаш. Учинчидан, тажрибали ўқитувчиларнинг лойиҳалаш воситасида ишлаш сирларининг ўзига хослиги, тузилишидаги фарқлари ва характер хусусиятларини чуқур ўрганиш.


Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари**» деб номланади. Ушбу боб 3 параграфдан ташкил топган. Бунда лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш ҳамда лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг касбий-педагогик фаолиятини ташкил қилиш модели, шакллари, метод ва воситалари хусусидаги фикрлар баён этилган.

«**Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришда хориж тажрибаларидан фойдаланиш**» номли параграфда дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида таълим жараёнини лойиҳалаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таълим тизимида таълим-тарбиявий фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг педагогик механизмларини ташхислаш ва коррекциялаш асосида такомиллаштириш; ўқувчиларнинг креатив фаолиятини такомиллаштириш; педагогик жараёнларни лойиҳалаш кўникмасини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш; дарсда ўқитувчи ва ўқувчининг имкониятларини интеграциялаш асосида педагогик жараёнларни ташкил этиш фаолиятига тайёрлашни моделлаштириш.

Тадқиқотда лойиҳалаштириш «ART» (визуал, кинестик), «Коучинг» (мураббий), «Fallstudy» (аниқ вазиятлар таҳлили) каби муаммоли вазиятлар ва талабалар мотивациясини оширишга қаратилган «Синектика», «VARK» интерфаол методлари асосида амалга оширилиши алоҳида қайд қилинган.

«VARK» методи ўқувчиларнинг кўргазмали, аудиовизуал ва кинестетик имкониятларидан фойдаланиб, ўқув материални ўргатишга йўналтирилган усул. Турли хил ўқув материаллари: кўргазмали қуроллар, диафильмлар, мультимедиа воситалари ва турли хил ўйинлардан фойдаланиб ўргатишни ўз ичига олади.

Диссертациянинг «Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш» деб номланган параграфиди лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш кўникмалари илмий, педагогик ва амалий жиҳатлари билан эътиборга молик. Муаммонинг илмий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий онги, дунёқарashi ва ахлоқини кутилган даражада давлат таълим стандартларига мос равишда шакллантиришида кўринади. Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантиришнинг асосий функционал вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин (1-расм).



**1-расм. Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг асосий функционал вазифалари**

Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

– бўлажак ўқитувчининг фаоллигини қарор топтириш;

– бўлажак ўқитувчининг фаоллиги даражасини изчил суръатда ошириб боришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

– давлатнинг ёшларга оид сиёсати мазмуни, моҳияти ва аҳамияти борасидаги маълумотлар билан таъминлаш;

– маънавий-ижтимоий мавзуларга доир амалий тадбирлар ўтказиб туриш жараёнида талабалар жамоасининг ҳар бир аъзоси фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароит ва имконият яратиш;

– миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий йўналишлардаги фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш.

**«Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг касбий-педагогик фаолиятини ташкил қилиш модели, шакллари, метод ва воситалари»** номли параграфида тажриба учун талабаларни лойиҳавий таълим воситасида ишлашга ўргатиш мақсадида биринчи курсларда семинар-мунозара ўтказилгани қайд қилинган. Бундай мунозараларга тайёргарлик кўриш масаласи маърузаларда айтилади ва талабаларда бу мунозарага қизиқиш уйғотилади. Масалан, шундай семинар-мунозаралардан бири «Педагогик маҳорат» курсидан «Ўқитувчининг касбий фаолияти» мавзусида ўтказилди. Биз семинар - лойиҳа технологиясини ишлаб чиқдик. Бу семинар жараёни (ДЖ- дидактик жараён)ни ташкил этишда мотив ҳосил қилиш (М), талабалар ўқув - билув фаолиятини ташкил этиш (ЎФ), уни бошқариш (Б) ва натижани текширишдан (НТ) иборат тизимни ишлаб чиқдик.

Яъни,  $ДЖ = М + ЎФ + Б + НТ$  тарзида бўлди. Семинар - мунозарага тайёргарлик кўриш учун талабаларга қуйидаги топшириқлар бериб, мотив ҳосил қилинди.

1. Умумий ўрта таълим мактабларида бўлиб, ўқитувчининг касбий фаолиятига доир иш турларини аниқланг.

2. Ўқитувчининг таълим жараёнини ташкил этиш технологиясини ўрганинг.


3. Бир соатлик дарс лойиҳасини ўрганиб, ундаги камчиликларни аниқланг.

4. Дарсда амалга оширилиши белгиланган вазифалар дарс мақсадига қанчалик мувофиқлигини аниқланг.

5. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти назоратини ташкил этиш турини аниқланг.

Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш тизими педагогик мотивнинг шаклланиши, педагогик таълимни замонавий ташкил этиш лозим.

Диссертациянинг учинчи боби **«Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари, самарадорлиги»** деб номланади. Мазкур боб 2 параграфдан иборат.



**2-расм. Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчилар коммуникатив маданиятини ривожлантириш модели**



Бунда лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизми, лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш соҳасида олиб борилган тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши хусусидаги фикр баён қилинган.

Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш бўйича амалий аҳволни ўрганиш учун 2017-2021 йилларда тўртта ОТМ танлаб олинди.

Амалий ҳолатни тадқиқ қилиш учун Бухоро давлат университети, Урганч давлат университети, Қарши давлат университетида ҳамда Навоий давлат педагогика институти бошланғич таълим, спорт-тарбиявий иш йўналишида ўқитиладиган “Умумий педагогика”, “Педагогик маҳорат” фанларини ўқитиш жараёни ўрганилди.

Ўтказилган дастлабки сўровномада синалувчиларнинг 35%и 4-курс талабалари “ОТМда олган билим, малака ва кўникмаларини такомиллаштириш бўйича қўшимча мустақил ишлаши лозим”; 44% и эса “Олинган билимлар ҳажми етарли эмас”, деб билади, 51 % и “Фанларни ўқитиш методикаси бўйича олган билимларини амалда қўллаш компетенцияси етишмаслиги”ни қайд қилди.

Тадқиқот ишини ташкил этишда олий ўқув юрти талабалари педагогик касбига тайёргарлигининг ҳозирги даражасини таҳлил қилиш муҳимлиги аниқланди. Уларни таълим жараёнига технологик ёндашувга тайёрлашда, аввало, талабанинг педагогик фаолиятга тайёрлиги, ўз-ўзини англаши, ўзига ва ўзгаларга тўғри баҳо бера олиши муҳим аҳамият касб этиши аниқланди. Аввало, ўқитувчилик касби мотивларини тарбиялаш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Бунинг учун талабаларнинг олий ўқув юртидаги машғулотларга муносабатини ўргандик (1-жадвал):

1-жадвал

### Талабаларнинг фан маърузалари ҳақидаги фикрлари



Талабаларнинг маърузага муносабатлари	Курслар бўйича жавоблар % ҳисобида		
	II	III	IV
Маърузанинг аниқ режалаштирилиши	22,5	33,4	70,6
Маърузада мақсаднинг аниқлиги	36,4	41,2	43,4
Маърузани ўтиш технологияси	26,3	46,5	82,5
Маърузанинг амалиёт билан боғлиқлиги	30,5	40,2	83,6
Маъруза баёнининг қизиқарлилиги	28,3	44,1	76,5
Маъруза давомида ўзлаштиришни назорат қилиб борилиши	22,5	35,5	44,5
Нотиқлик маҳорати	42,5	65,4	71,3
Маърузанинг оддий, равои тилда тушунарли баён этилиши	35,4	52,5	66,6

